

Газнавийлар тарих сахнасига милодий 961 йили келишди ва роппа-роса 225 йил хукмронлик килишди. Улардан олдин Сомонийлар сулоласи ўнинчи аср охиригача хукмронлик килган, бирок бундан анча илгари унинг инкирозидан дарак бериб Кобулда янги давлат вужудга келган эди. Унга сомонийларнинг собик турк кули Алптегин асос солди. У сомонийлар авлоди кироллигидаги тансокчилар гурухидаги юксак мавкега эришгач, Хурносон хокими этиб тайинланди. Анча вактдан кейин нафратга учраб, кичикрок кўшин билан шаркий вилоятларга, Газна деган жойга бош олиб кетди ва у ерда мўъжазгина шахар-давлат барпо этди. Унга ворис бўлган кули ва куёви Сабуктегин анча истеъдодли киши эди.

Сабуктегин 967-997 йиллар орасида ўттиз йил даврон сурди. У мустакилликка эришиб, ўз ерларини кенгайтирди. Гарбда сомонийлар авлодининг сўнгги вакилидан Хурносонни тортиб олди, шарқда эса хозирги Покистон ва Афғонистон худудида жойлашган Пешоварни эгаллади. Бу ерда унга хужум килган Панжоб рожаси Жайпал маглубиятга учраб, жуда катта микдорда товон тўлашга рози бўлди. Лекин Жайпал Лоҳурга кайтиб келгач, сўзининг устидан чикмади, шунинг учун хам Сабуктегин унинг тасарруфидаги ерларга бостириб кирди. Бошка рожаларга ёрдам сўраб мурожаат килган Жайпал улардан мадад олиб, бирлашган кучлари билан Сабуктегин устига юриш килди. Бирок хиндларнинг яна омади чопмади. Натижада Хинд дарёсининг гарб томонидаги ерлар газнавийлар ихтиёрига ўтди.

Газнанинг 999-1030 йиллардаги буюк султони Улуг Махмуд Сабуктегиннинг ўгли эди. У газнавийлар шухратини бутун Осиёга ёйди. Махмуд отаси билан биргаликда кўрган тадбирларидан ўз уруги билан сомонийлар орасида талашувлар бўлиб турганини, Шарқда Панжобнинг шахий подшохлари билан ракобат мавжудлигини яхши билар эди. Шу пайтда Жайпал казо килиб, унинг ўгли Анадпал Панжобни бошқариб турган эди. Отаси сингари у хам шартлашилган товонни тўлашдан бош тортди, бу Махмуд билан шахий подшохлари ўртасида уруш чикишига яхши баҳона бўлди. Ўзаро тортишувлар Ислом азаматининг Хинdistон шахий подшохлари устига машхур ўн еттинчи юриши билан якунланди. Катъиятли сунний бўлган Махмуд Газна султони сифатида халифа деб эътироф этилди. Халифа унга "Ямин уд-Давла" (Давлатнинг ўнг кўли) унвонини берди.

Шундан кейин Махмуд ўзининг урушлари силсиласини бошлаб юборди. У Хинdistоннинг мухим маданий ва диний марказларига хужумлар уюштириди, чунки кўшни рожалар шу масканларни куткариш учун бирлашишларидан хабардор эди. Газнавийлар ўша пайтда ўн икки марта юриш килганлари тарихда кайд этилган. Хинdlарнинг Гужарат вилоятига карашли Катхиаваре деган жойдаги машхур Сомнас зиёратгохига килинган хужум уларнинг энг машхуридир. Махмуд Рожпутан чўлини босиб ўтишга мажбур бўлган бу юришида ўзининг кариб барча хинд рожаларининг бирлашган кучларига карши туришини яхши биларди. Бу жанговар саркарданинг жасурлиги хеч кандай таърифга сигмас эди. Дастребки пайтда анча кўп сонли хинд кўшинлари исканжасида бўлгани холда голиб чикиб, шахарни эгаллагач, Сомнас эхромига кириб борди ва миллионлар илтижосига карамай, ундаги бутни чил-парчин килиб ташлади. У юритига катта ўлжа билан кайтди. Махмуднинг гарбдаги зафарлари хам Хурносон ва бутун Форснинг кўшиб олинишидан колишмайди. Шухрати чўккисида у Хинdistондаги Жамна дарёси билан гарбдаги Дажла дарёси ўртасида жойлашган бепоён кенглик хукмдори

бўлиб турди.

Махмуд Газнавий юришлари туфайли Ислом дини хакикатан хам кенг кўламларда жорий этила борди. Махмуд Канаужа ва Дехлигача борган бўлса хам, факат Панжобни эгаллашга эришди. Газнавийлар даврида Панжоб, аникроги, унинг учдан икки кисми мусулмон дунёсининг бир бўлагига айланди. Лохўр, Панжоб ва Юкори Синд газнавий хокимлигининг вилоят марказлари бўлиб хизмат килди. Сўнгги газнавий хокимлар эса Газнага эмас, Лохўрга бўйсунардилар. Махмуд Хиндистонда узок хотира колдириди. Бу хотира факат Панжобнинг доимий истилоси билангина чегараланиб колмасдан, кўпроқ Махмуднинг ва унга карам туркларнинг ўзларига нисбатан хиндлар калбидан уйготган очик-ойдин кўркувда бўлмаса хам, душманликда ифодасини топди. У хиндлар бошида тез-тез калтак синдириб турди, ўгли Султон Масъуд ва невараси Баҳромнинг шон-шуҳрати эса Хиндистонда шу кадар кучли янгардики, гурийлар Хиндистон устига бостириб келаётганларида Присви Рож, дехлилик Чоукан Рож хамда Ахмернинг карши чикишларини хисобга олмаганда, хиндлар хатто мусулмонлар харакатига сезиларли тўсик бўла олишмади.

Хинд тарихчилари Махмудни боскинчиликда, шахарлар ва эхромларни шафкатсиз вайрон килишда айблашади. Бу тўгри эмас, албатта. Махмуд учун Хиндистон "Дорул-харб", яъни урушлар маскани бўлган. Шахий подшохлари Махмуднинг отасига карши уругчилик урушини кўзгашди, кўп марталаб Сабуктегинга хамда Махмудга берган ваъдаларига вафо килишмади. Эҳтимол "муқаддас уруш" олиб борган Махмуддан ватанларини химоя килганлари учун уларнинг килмишларини оклаш мумкинdir.

Махмуднинг ўз таъбири билан айтганда, у бутпарастларга карши хар йили ёки бир йил ўтказиб уруш олиб бораради. Ўша пайтда бундай уруш конуний бир хол хисобланарди. У хеч качон шахарларни яксон килмаган, оммавий киргиларга йўл кўймаган.

Ислом каҳрамони сифатидаги шон-шуҳрати билан Махмудга бас келадиган хокими мутлаклар кўп эмас. Ўз пайтида у Осиёнинг биринчи хокими эди. Жонажон шахри Газнада бехисоб кўп иморатлар, мактаблар, беадад илмий муассасалар курдириб, халкига ато килди, ўз пойтахтига кўплаб машхур кишиларни даъват этди. Бу унинг номини ўн биринчи асрдаги энг буюк илмпарвар сифатида тилларда достон айлади. Махмуд шоирлар ва машхур кишиларга хар йили 400 минг динорлаб маблаг сарфлаши билан Фирдавсийни мислсиз "Шоҳнома" асарини ёзишга илхомлантирган. У Газнада дорилфунунга асос солиб, машхур файласуф, олим, сўз устаси ва шоир Ансорийни унга мударрисликка тайинлади. Бошка кўпгина шоирлар, жумладан, Асади Тусий, Фирдавсий, Асжодий ва Фаррухий хам шу ерда эдилар. Улуг аллома Беруний хам Махмуд хузурида ишлади, лекин у шохнинг маслаҳатчиси Аҳмад ибн Маймандий билан чикиша олмай, шахзода Султон Масъудга кўшилди. Газнавийлар хакида битилган "Тарихи Яминий" асарининг муаллифи машхур олим Утбий Махмуд саройида фаолият кўрсатган. Ўз паноҳида шунчалик кўп ёзувчилар, санъаткорлар ва олимларни тўплаб, бутун китъада шу кадар юксак обрўга эга бўлиш камдан-кам подшохга насиб этган.

Машхур султонлар - Султон Масъуд ва билим бобидаги жонбозлиги билан донг таратган ўгли Султон Байрам ибн Масъуд Махмуд Газнавийнинг ворислари жумласидандир. Байрам фозилу фузалоларга совга-саломлар ва мукофотлар беришда жуда сахий эди. У "Махзани асрор" асарининг муаллифи Шайх Низомий ва Сайёд Ҳасан Газнавий сингари таникли кишиларни саройга жалб килди. Айни Султон Байрам подшохлиги даврида ва унинг раҳнамолиги туфайли "Калила ва Димна" масаллар мажмуи санскрит тилидан форсчага таржима килинди. Газнавийлар тобора холдан

## Газнавийлар салтанати

Муаллиф:

20.03.2014 15:02 -

---

тойиб бораётган киролликни юз йилдан кўпроқ бошкариб турганларидан кейин Панжоб томон суриб чикарилдилар. Махмуднинг сўнгги вориси у ерда Шахобиддин Гурий (1186 йил) хаётлигига Лохўр хокими бўлиб турди.

Сардор МАХМУДнинг Лондонда 1959 йили инглиз тилида чоп этилган “Ислом тарихи” китобидан Жамолиддин Хамдам ва Шариф Холмурод таржимаси.